

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 11 июнь жума

Сотувда эркин нархда № 115 (2153)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

БЕДОР ЎЙ

Шуни унутмайликки, бундан саккиз йил муқаддам бошланган янгиланиш жараёнининг ютуқлари, халқимиз учун фаровон турмуш шароитларини яратиш, олдимизга қўйган мақсадларга етишмоғимиз — буларнинг барчаси истиқбол режаларини нечоғли аниқ, оқилона ва энг муҳими, реал белгилаб олишимизга боғлиқ.

Ислом КАРИМОВ

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛ ИЧИДА

ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИГА 81 КУН ҚОЛДИ!

✓ **1992 ЙИЛ 30 ЯНВАРЬ.** Прага шаҳрида ташқи ишлар вазирлари мажлисида Оврупода Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши (ОХҲТ)га Ўзбекистон Республикаси қабул қилинди.

✓ **1992 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛЬ.** Президент И.А. Каримов Хельсинкида Ўзбекистон Республикаси номидан Оврупода Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши (ОХҲТ)нинг якунловчи актига имзо чекди.

✓ **1992 ЙИЛ 2 МАРТ.** БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон Республикасини БМТга қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШАЁТГАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мактабимизда турли халқлар — ўзбеклар, руслар, татарлар, тожиклар, корейслар ва бошқа миллат вакилларининг фарзандлари таълим олишади. Ўқувчилар ва мактаб педагогларини Ватанимизнинг буюк келажагига, қуёшли осмонимизнинг мусаффолигига, Сизга — муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, мамлакатимиз халқларининг бахт-саодати йўлида олиб бораётган улкан меҳнатларингиз натижасига бўлган ишонч, эътиқод бирлаштириб, руҳлантириб турибди.

Биз узоқ-яқин хорижда бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатамиз. Россия ҳам Ўзбекистон каби XXI аср бўсағасида, катта воқеалар арафасида турибди. Бироқ у ерда бошбошдоқлик, бемаънилик, мантиқсизлик даражасигача бориб етган фикрлар қарама-қаршилиги, эсанкираш вазияти ҳукмронлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бундай оғир аҳвол Россияда ўз ортидан бутун халқни эргаштира оладиган, одамларнинг самимий эҳтироми, қадрлаши ва эъзозлашига сазовор бўлган ҳақиқий йўлбошчи, давлат арбоби йўқлиги сабабли вужудга келмоқда, деб ўйлайман.

Бизнинг Ўзбекистонда эса ўз меҳнати, ғайрат-шижоати, донишмандлиги билан халқимизнинг меҳр-муҳаббати, ҳурматини қозонган Сиздай халқпарвар инсон бор.

Менинг миллатим рус бўлса-да, келажаги буюк Ўзбекистоннинг фуқароси эканлигимдан фахрланаман.

Сизга педагогик жамоамиз ва ўқувчиларимиз номидан сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бошлаган барча хайрли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Андрей ВОЛОДИН,
Наманган шаҳридаги Шараф Рашидов номидаги 1-ўрта мактаб директори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Аёлни муқаддас билиш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, озод ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашдаги беқиёс ўрнини яна бир бор эътироф этиш, баркамол, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасидаги иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолияти, кенг кўламли ислоҳотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фанлар академияси, Бадиий академия, "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази, Ёзувчилар, Бастакорлар, Меъморлар уюшмалари, "Олтин мерос", "Камолот", "Умид", "Улуғбек", "Наврўз" жамғармалари ва кенг жамоатчиликнинг Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифлари маъқуллансин.

Зулфия номидаги Давлат мукофотини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллари биттадан ҳар йили Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида бериш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Зулфия номидаги Давлат мукофоти мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида аъло хулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари билан алоҳида истеъдодини намоён қилиб таълим олаётган, истиқлол ғояларини амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун берилади;

Зулфия номидаги Давлат мукофоти энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида тайинланади;

Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари бўлган мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари танлаган йўналишлари бўйича олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

3. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Фанлар академияси, Бадиий академия, "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази ва бошқа тегишли жамоат ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиқилган кўкрак нишони ҳамда дипломи намунаси тасдиқлансин.

4. Зулфия номидаги Давлат мукофоти тўғрисидаги Низом, мукофот комиссияси тўғрисидаги Низом ва комиссия таркиби тасдиқлансин.

5. Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қошида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиши ҳамда унга қўмита раиси раҳбарлик қилиши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Давлат мукофотини бериш, кўкрак нишони ва дипломини тайёрлаш учун Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига давлат бюджетидан тегишли маблағ ажратсин.

7. Зулфия номидаги Давлат мукофоти мукофот комиссияси кенг жамоатчилик фикрини атрофлича ўрганиб, талабгорлар фаолиятини ҳар томонлама муҳокама қилиб чиқарган хулосалари асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан берилиши белгилаб қўйилсин.

8. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғуломова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 10 июнь.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 июнь куни Оқсарой қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Цян Ниченни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон-Хитой муносабатлари ривожланиб бораётганидан мамнуният билдирди. Ислом Каримов Хитой халқи улкан тарихга эга эканлигини таъкидлади ва айни пайтда бу мамлакат раҳбариятининг сиёсати икки томонлама ҳамкорлик ривожи учун қулай имкониятлар яратаётганини қайд этди. Шунингдек, Президентимиз Ўзбекистон ҳукумати Хитой билан ўзаро алоқаларни кенгайтириш масаласига катта аҳамият беришини ҳам айтиб ўтди.

Икки мамлакатнинг ҳамкорлиги хусусида сўз кетганда, биринчи навбатда транспорт коммуникацияларига тўхталиш жоиз. Европа билан Осиёни туташтирувчи қадим Буюк Ипак йўлининг ҳозирги кунда автомобиль ва темир йўллари қиёфасида қайта тикланаётганида Хитойнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Давлатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1998 йилда 86 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Агар Андижон-Ўш-Қашқар йўналиши сингари мамлакатимизни Хитой билан боғловчи темир йўл ва автомобиль магистраллари ишга тушса, бу кўрсаткич бир неча баробар ўсиши шубҳасиз.

Ц.Цичен икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш учун имкониятлар кўплигини айтди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларга оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Юнусов, ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

Қабулда Хитойнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ли Цзинсян ҳозир бўлди.

(ЎзА)

СУРАТДА: қабул пайти. А. ТЎРАЕВ олган сурат.

Мустақиллик солномасига чизгилар

Ғоҳида газетхонлардан Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини шарҳлаб, моҳиятини тушунтириб беришни сўраб ёзилган хатлар таҳририятимизга келиб туради. Аслини айтганда, бундай саволга ўрин йўқдай. Чунки биз мана, деярли саккиз йилки, ана шундай йўлдан тараққий этиб келаяпмиз. Мамлакатимизнинг ўзига хос ва ўзига мос ривожланиш йўли жаҳонда тан олинмоқда. Лекин бу йўлнинг сезимли хусусиятларини яққол аниқлаб олишга кенг ижтимоий онгда зарурият бор, шекилли. Ва буни ўринли, деб биламиз.

БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» (1993 йил) номли асарида шундай сўзлар бор: **«... тоталитар тизим вайрон бўлаётган даврда собиқ иттифоқдош республикалар ўрнида тузилган мустақил давлатларда иқтисодий қурилиш ва демократик ўзгаришларга мутлақо янгича ёндашувлар ва нуқтаи назарларни асослаб бериш муҳим аҳамиятга эга». Чунки «ўзини мустақил деб эълон қилган ҳар бир суверен республика ўз манфаатларига мос келадиган мустақил ички ва ташқи сиёсатни шакллантириши»** табиий заруриятдир.

1991 йилнинг 31 августида мустақил республика деб эълон қилинган Ўзбекистон олдида ҳам тарих ана шундай вазифаларни қўйдаланг қўйди.

Мамнуният билан таъкидлашимиз керакки, она-Ватанимиз ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини Истиқлолнинг илк кунларидаёқ англаб етди. Биз бунга қандай қилиб эришдик?

Президентимиз асарларининг бирида айтилганидек, дунёда бир-бирига ўхшайдиган иккита одам бўлмаганидай, бир-бирига ўхшайдиган иккита давлат ҳам йўқ. Шундай экан, давлатларнинг йўли ҳам ўзига хос бўлиши табиий. Чунки ҳар бир одам ўз қадди-бастига қараб тўн бичганидай, кийим-либос танлаганидай, ҳар бир давлат ҳам ўзига хос ва ўзига мос ривожланиш йўлини танлашга интилиши табиий.

Дунёда қанча давлат бўлса, шунча ривожланиш йўллари ҳам бор. Хитойда ўзига хос, Японияда ўзгача йўл, илғор ривожланган мамлакатларда яна бошқача йўл. Бунинг устига, сўнгги йилларда мустақиллик йўлига кирган давлатларга ўз давлат ва жамият бошқарувини тиқиштиришга уринаётган кучлар ҳам пайдо бўлмоқда. Масалан, ўлиб кетган ислом халифалигини қайта тирилтириш ёки биз яқиндагина исканжасидан қутулган қизил салтанатни қандайдир шаклларда қайтадан тиклашга уринишлар бунинг далолатидир.

Мана шундай мураккаб тарихий шароитда мустақил Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини аниқлаб олиши шарт эди. Бунда Президентимизнинг бемисл йўлбошчилик салоҳияти Ватанимиз ва халқимизга чароғбон бўлди. Биз дунёдаги илғор ривожланган мамлакатларга хос бўлган **ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти ҳамда бозор қонуниятларига асосланган янги иқтисодиёт йўлини** танладик. Ҳа, танладик. Лекин кўр-кўрона тақлид, андозалар кўчириш йўлидан бормадик. Президентимиз буни қатъий рад этди. Чунки шундай тақлидчилик, нусха кўчириш йўлидан борган давлатларда ислоҳотлар охир-оқибатда барбод бўлганлигини биз яхши биламиз. Биз илғор ривожланган давлатларга тақлид қилаётганимиз йўқ, балки уларнинг янги ҳаёт қурилиши тажрибаларидан ўзимизга ижобий, сиёсий хулосалар чиқариб, янги ижтимоий турмуш тарзини бунёд этишга киришдик.

Қолаверса, биз танлаган ривожланиш йўлининг муҳим тарихий, сиёсий сабаблари бор. Негаки, халқимиз деярли бир ярим аср мобайнида тоталитар режим ҳукмронлигида, қарамликда, ҳуқуқсизликда, қадр-қиммат ва адолат ҳис-туйғулари топталиб яшаб келди. Булар нақадар ноёб ҳаётий қадриятлар эканлигини ўз бошимиздан кечирдик. Шу сабабли ҳам, ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти, инсон меҳнатининг қадр-қимматини, манфаатдорлигини кўтарадиган, шахсий тадбиркорлик ва ташаббускорларга кенг йўл очадиган бозор иқтисодиёти йўли бизга сув билан ҳаводай зарур эди. Шунинг учун Президентимиз тарих ва замон ҳамда ҳозирги халқаро ҳаёт тажрибаларини чуқур мушоҳада қилиб, атрофлича қиёсий таҳлиллардан ўтказиб, ҳуқуқий давлатчилик, адолатли фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиёти бизни йўлимиз бўлиши кераклигини халқимизга исботлаб берди.

Бу йўл халқимизнинг манфаатларига, унинг орзу-интилишларига тўла мос келади.

Бироқ «ҳолва деган билан оғиз чучимайди», деган мақол ҳам бор. Яъни, демократик ўзгаришлар ва янги иқтисодий қурилиш ғояларини майдонга ташлаш билан иш битмайди. Бошқа давлатлар тажрибасидан маълумки, бундай ривожланиш йўлини шакллантириш ва юксак натижаларга эришиш учун ўша мамлакатлардаги халқлар ўн йиллаб ва ҳатто юз йиллаб сабр-бардош билан меҳнат қилганлар. Тараққиётнинг ўз мураккаб босқичлари бор ва уларни, албатта, босиб ўтиш керак. Айрим мустақил давлатларда янги ҳаёт қурилишини сунъий тезлаштириш, ислоҳотни «фалаж орқали даволаш» каби усуллар қўлланилиб, булар қандай аччиқ оқибатларга олиб келганлигига ҳам биз гувоҳ бўлдик.

Мана шундай ҳаёт тажрибаларини чуқур мушоҳада қилган ҳолда, Президентимиз Ўзбекистонда ҳаётни ўзгартириш, янгилашга қаратилган ислоҳотларни ўтказишнинг тамомила ўзига хос, чуқур ҳаётий асосли йўли, босқичлари ва қоидаларини ишлаб чиқдилар. Мана, деярли саккиз йилдирки, биз Президентимиз раҳнамолигида ана шундай йўллар ва йўналишлардан муваффақиятли қадам ташлаяпмиз.

Юртбошимиз истиқлолнинг илк кунларидаёқ давлат ва жамиятнинг олий тамойилларига эришиш йўлида **ўтиш даврининг** тарихий зарурият эканлигини илмий-назарий асослаб, бу даврдаги ривожланишнинг машҳур беш тамойилини илгари сурдилар. Ўтиш даври ва унинг **беш тамойили — аввал таъкидлаганимиздек, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда бурилиш нуқтаси бўлди.**

Маълумки, собиқ тузум даврида ҳаётнинг бош омили — иқтисодиёт сиёсатга, мафкурага тўла бўйсундирилган эди. Иқтисодиётнинг ўз ички ривожланиш қонуниятлари рад қилинди. Бундай муносабат эса иқтисодий ривожланишда оғир бўҳронларга олиб келди. Масалан, Ўзбекистон гарчанд республика деб эълон қилинган бўлса-да, лекин қизил салтанатга қарам, мутеъ бир ўлка эди. Ана шундай сиёсат унинг иқтисодий тақдирини ҳам белгилади. Заминимиз поёнсиз империя учун якка хомашё манбаига айланди. Биз пахтамизни, олтинимизни, нефть ва газимизни, бошқа бойликларимизни империяга инъом этдик. Аммо халқимизнинг ижтимоий-моддий аҳволи СССРда охирги ўринда эди. Биз салтанатни беҳисоб бойлик билан таъминлашимиздан қатъи назар, охир-оқибат, боқиманда республика деб ном олдик. Президентимиз ўз асарларида собиқ шўро давридаги иқтисодиётни сиёсатлаштирув билан боғлиқ бундай фактларни яна кўплаб келтиради. Масалан, ўша даврда 2000 йилларга бориб ҳамма алоҳида уй-жойлик бўлади, деб жар солинди. Бунинг эса қуруқ хомхаёл эканлиги тезда аён бўлди. Ёки «Озиқ-овқат программаси» деган гаплар чиқди. Оқибати шу бўлдики, дўкон пештахталари бўшаб қолди.

(Давоми 2-бетда).

ХИТОЙЛИК МЕҲМОНЛАР ТАШРИФИ

10 июнь куни Тошкентдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Хитой Халқ Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Цян Цичен бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Ўзбекистон ва Хитойнинг жўғрофий жиҳатдан яқинлиги қадимдан бу икки мамлакатнинг турли соҳаларда ўзаро алоқаларни ривожлантириб келишига сабаб бўлган. Бугунги кунга келиб бу муносабатлар тенг ҳамкорлик асосида янгича босқичда янада изчил давом этмоқда. Учрашувда хитойлик нуфузли делегациянинг Ўзбекистонга ташриф буюриши мазкур давлатнинг мамлакатимиз билан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёрлигидан далолат эканлиги таъкидланди. Бу алоқаларни тараққий эттиришда Европадан Шарқий Осиёга йўл айнан Ўрта Осиёдан ўтганлиги катта ўрин тутиши алоҳида қайд этилди.

Учрашув сўнгида Хитой томонидан Ўзбекистонга беғараз ёрдам сифатида 5 миллион юан ажратиш тўғрисидаги ҳукуматлараро ҳужжат имзоланди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Юнусов, ташқи ишлар вазири А.Комилов ва ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниев иштирок этди.

Учрашувда Хитойнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ли Цзинсян ҳозир бўлди.

(ЎзА)

СУРХОН ВОҲАСИДАГИ УЧРАШУВЛАР

Олий Мажлис Раиси ўринбосари Бўритош Шодиева раҳбарлигидаги Абдулла Орипов, Эркин Аъзамов, Иброҳим Ғофуров ва Ҳурсанд Тошевлардан иборат парламентимиз депутатлари гуруҳининг Сурхондарё вилояти жамоатчилиги билан учрашувлари мазмунли кечди. Айниқса, уларнинг Жарқўрғондаги «Сурхонтекстиль» ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари ҳузуридаги мулоқотлари узоқ давом этди. Ҳалима Юсупова, Рустам Хўжагелдиев, Гулчеҳра Тоғаева каби ишчилар депутатларимизнинг парламент фаолияти ҳақида, қабул қилинган қонунлар ва кодексларнинг мустақил давлатнинг ҳуқуқий асосларини яратишдаги аҳамияти тўғрисида эътиборга молик фикр ва мулоҳазалар билдирдилар.

«Сурхон» деҳқон-фермер уюшмасида бўлиб ўтган учрашув қатнашчиларини эса кўпроқ иқтисодий ислоҳотларга тегишли қонунлар ижроси тўғрисидаги мунозаралар қизиқтирди. 1998 йилда хўжалик санацияга тушганди. Натижа ёмон бўлмади. Тажриба ҳисобкитоб тўғри юритилса, мулк ўз эгасининг қўлида бўлса, ғалла ва пахта етиштиришдан яхши иқтисодий самара олиш мумкинлигини кўрсатди.

Парламентимиз аъзолари Термиз шаҳридаги ободонлаштириш ишлари билан ҳам танишдилар. Коллеж ва лицейларнинг талабалари ҳузурида бўлдилар. Илғор ишлаб чиқариш корхоналарини бориб кўрдилар. Ва улар жойларда ҳамма — ёшу қари, зиёлию деҳқон, ишчию қурувчи давлатимизнинг тинчлик сиёсатидан, одамларга кўрсатилаётган мислсиз ғамхўрликлардан, иқтисодий юксалишларга қаратилган йўлнинг тўғрилигидан бағрилари ишончга тўлиқ эканлигига гувоҳ бўлдилар.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БОЛАЛАР – МАМЛАКАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Қабуллар уйида "Соғлом авлод учун" халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси раҳбарлари мамлакатимизда ишлаётган дипломатия корпуси ва халқаро ноҳукумат ташкилотлари вакиллари билан учрашдилар.

Ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилиш республика раҳбарияти сиёсатининг устувор йўналишидир, деб таъкидлади "Соғлом авлод учун" жамғармаси бошқаруви раиси Г. Йўлдошева учрашувни очиш чоғида. Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIV-сессиясидаги маърузасида Ўзбекистонда яқин йиллар ичида кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишни амалга ошириш зарурлиги тўғрисида гапирди. Шу сабабли давлат вазифаларининг бир қисмини ноҳукумат ташкилотлари зиммасига олиши керак. "Соғлом авлод учун" жамғармаси ана шундай ташкилотлардан биридир. Беш йил ичида оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, маънавий, ахлоқий ва жисмоний соғлом ёш авлодни тарбиялашга, миллат генетик фондини яхшилашга қаратилган бир қанча лойиҳалар амалга оширилди. Бу фаолият сўнгги вақтда янада кучайтирилди. Масалан, жамғарманинг республикамизда тиббий ижтимоий ҳомийлик тизимини барпо этишга ва ногирон болалар туғилишининг олдини олишга доир кенг қўламли дастурлари мамлакат ҳукумати томонидан маъқулланди ва қўллаб-қувватланди. Жамғарманинг олижаноб вазифаларини бажаришда хорижий ҳамкорлар фаол иштирок этмоқда, деб таъкидланди учрашувда. Уларнинг орасида "Проктер энд Гэмбл", "Карл Цайсс Йена", "Прибор Ой", "Мерк" ва бошқа йирик компаниялар бор. Жамғарма дастурларини амалга оширишда унга БМТ, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби халқаро ташкилотлар фаол ёрдам бермоқда. Хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари билан доимий алоқа ўрнатилган.

Учрашувнинг хорижий иштирокчилари "Соғлом авлод учун" жамғармаси фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни ёқлаб гапирдилар ва ўзларининг бу соҳадаги режалари тўғрисида сўзлаб бердилар.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Зиё сўзга чиқди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д. Ғуломова иштирок этди.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Афсуски, СССР емирилиб, мустақил давлатлар пайдо бўлгандан кейин ҳам, айрим давлатларда иқтисодиётни сиёсат, мафкура мезонлари билан бошқариш тамойилидан воз кечилмади. Масалан, демократия ғояларига ҳеч ким эрк берилиб, анархия даражасига етиб борилди. Бу ҳолат иқтисодиётга ҳам жорий этилиб, айрим мамлакатларнинг иқтисодий бойлиги талон-тарож қилиб юборилди. Тартибсизлик авж олди. Халқ қийналиб қолди.

Ўтмишдаги ва атроф-дунёдаги бундай нохуш ҳолатлар бизда **иқтисодиётни сиёсатдан ва мафкурадан озод** диган бўлиб қолаяпти. Ҳатто эски, боқимандалик даврини қўмсаш ҳоллари ҳам кўзга ташланмоқда. Бу аччиқ тажрибаларнинг ўзи ҳам кучли ижтимоий сиёсат — ислоҳотлар муваффақиятини таъминлайдиган муҳим омил эканлигини тўла тасдиқлади. Биз танлаган ривожланиш йўлининг бу қоидасига хос чуқур ҳаётий маънога қўшни мустақил давлатлар раҳбарияти бугун, қанча сиёсий ва иқтисодий инқирозлар бошдан кечирилгач, тан бериб, ундан ибрат олмоқда.

Ниҳоят, Президентимиз илгари сурган тамойилларидан бешинчиси — **бозор иқтисодиётининг, умуман, тараққиётнинг янги довонлариш — тараққиётнинг муҳим омиллари даражасига кўтарилди. Янги минг йиллик бошланишида бу жабҳадаги ўзгаришлар янада чуқурлашади. Жамиятни эркинлаштиришнинг бош муаммоларидан бири сифатида эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш** устувор вазифалардан бирига айланади.

Мустақилликнинг илк йилларида Президентимиз жамият олдига қўйган **кадрлар масаласи** ҳам янги босқичда ўзининг бутун ўткирлиги

қилиш, унинг ўз қонуниятлари асосида ривожланишига имконият бериш хулосасини туғдирди. Президентимиз буни ўзлари яратган ўтиш даври беш тамойилининг биринчи, энг муҳим қоидасига айлантирдилар.

Беш тамойилнинг иккинчи қоидаси — **давлатнинг бош ислоҳотчилигини** эътироф этишдир. Бу қоида ҳам ташқи ва ички мавжуд воқеликни чуқур таҳлил қилиш асосида дунёга келди. Президент бунинг туб сабабини, масалан, «Комсомольская правда» газетаси саволларига жавобида шундай изоҳлайди: **«Бир жамият кетиб, унинг ўрнига бошқа жамият қуриладиган ўтиш даврида айни давлатнинг ўзи бошқарув воситаларини асло қўлдан чиқармаслиги керак».**

Бу қоиданинг ҳаётий куч-қудратини ҳам тараққиётнинг ўзи тасдиқлади. Айнан давлат бош ислоҳотчи бўлганлиги туфайли мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотлар бир маромда ва қаламба-қадам ривожланиб бормоқда.

Қонуннинг жамият ҳаётидаги устуворлиги — беш тамойилнинг учинчи қоидасидир. Президентимиз доим таъкидлаб келаётганларидек, қонун ҳамма нарсадан устун туриши керак. Акс ҳолда, ҳаёт ялпи чиқади, жамият асоси емирилади. Тартибсизлик, жиноятчилик, зўравонликка кенг йўл очилади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Янгиланаётган иқтисодиёт қонуний кафолатларга катта зарурият сезади. Тадбиркорлик, ташаббускорлик, хусусий мулк қонун билан мустаҳкамланиши зарур. Мамлакатимизга кириб келаётган сармоя, халқаро иқтисодий шартномалар қонун билан мустаҳкамланса, янада ривож топади. Мана шу далилларнинг ўзи қонун устуворлигини таъминлаш — ривожланишнинг бош омили бўлиши зарурлигини аниқ намоён этади.

Бизда давлатнинг ислоҳотчилиги, қонунлар асосида жамият ҳаёти ва иқтисодиётда қатъий интизом ўрнатилаётганлигини «бюрократия», «диктаторлик усули» дегувчи вайсақиларга ҳам дуч келдик. Лекин деярли саккиз йиллик тараққиётдан кейин Ўзбекистон тинч, осойишта шароитга эга бўлиб, бир маромда олга бораётганлигини кўрган ўша кимсаларнинг кўпчилиги бугун чуқур янглишганликларини тан олмоқдалар. Бу — биз танлаган йўлнинг ғалабаларидан биридир.

Беш тамойилнинг тўртинчи қоидаси — ислоҳотлар даврида кучли **ижтимоий сиёсат** олиб боришни ўзида ифода этади. Бу қоида чуқур инсонпарварлик моҳияти билан ажралиб туришидан ташқари, танлаган ривожланиш йўлимизнинг барқарорлигини ҳам таъминлади. Ислоҳотларимиз ижтимоий ларзаларсиз кечмоқда. Халқимизнинг бошига оғир синовлар тушмади. Бу ҳам бизнинг ютуғимиздир.

Сир эмас, халқнинг ижтимоий аҳволи назар-писанд қилинмай, иқтисодий ислоҳотлар ўзбошимчалик билан амалга оширилаётган айрим давлатларда ислоҳот деса, халқ безиллай-

рига босқичма-босқич ўтиб боришни қонунлаштиради. Танлаган йўлимизнинг бу йўналиши ҳам нақадар ишончли ва ҳаётий асосли ҳамда стратегик аҳамиятли эканлигини ҳозирги тараққиёт аъло даражада исботлади. Биз жамиятни янгилашнинг инқилобий усулларини рад этдик, тадрижий-эволюцион йўлдан собитқадамлик билан бораяпмиз. Қадамбақадам ўз мақсадларимизга эришаяпмиз. Шошқалоқлик, ҳавойилик кайфиятига берилишдек касалликлардан ўзимизни тийганмиз, етти ўлчаб бир кесиб, ҳаёт олдимизга қўяётган муаммоларни ҳал этаётганлигимиз бизнинг ютуғимиздир.

Шу ўринда Президентимиз бир гуруҳ ёзувчилар билан учрашуви пайтида келтирган чуқур маъноли мукоясани яна бир карра эслаш ўринли бўлади. Юртбошимиз шундай деган эдилар: **«Биласиз, Мустақиллик майдонида катта бино бор. 20 қаватли. Лекин сизлар билмасангиз керак, ер остига ҳам шунга яраша пойдевор қурилган. Демоқчиманки, агар бинони сарбаланд қилмоқчи бўлсангиз, пойдевори бақувват бўлиши керак».**

Бу фикр Ўзбекистонда мустақил янги ҳаёт пойдеворини тиклашдек муҳим сиёсий вазифа билан узвий алоқадордир. Истиқлолнинг бошидаёқ Президентимизнинг ўртага ташлаган ўтиш даврида ривожланишнинг беш тамойили янги ҳаётнинг мустаҳкам пойдеворига айланди ва шундай бўлиб қолаяпти.

Шу сабабларга кўра, халқаро миқёсда ривожланишимизнинг бу қоидалари алоҳида қиммати дастур сифатида шуҳрат топди. Улар баён этилган Президентимизнинг асарлари жаҳоннинг кўпгина тилларига таржима қилинди. Ўзбекистондаги янги ҳаёт қурилиши **«тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўли», «ривожланишнинг ўзбекча модели»** деган юксак эътироф ва эҳтиромларга сазовор бўлди.

Мазкур беш тамойил Ўзбекистон мустақил тараққиётнинг янги босқичларига дадил кўтарилиши учун кенг йўл очди.

Тараққиётимиз тинч, осойишта, барқарор бир шароитда, давлатимиз, мамлакатимиз раҳбариятининг бош ислоҳотчилиги вазиятида тўхтовсиз олга қадам босаяпти. Шу жиҳатдан Президентимизнинг Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қилган тарихий маърузаси алоҳида аҳамиятлидир. Унда мустақиллик йилларида босиб ўтилган йўлнинг чуқур таҳлили, бу йўлнинг ижтимоий-сиёсий хулосалари билан бир қаторда Ўзбекистоннинг янги минг йиллик арафасида ва унинг дастлабки йилларидаги ривожланишининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Шунинг учун ҳам маъруза «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» деб номланган.

Маъруза билан танишар эканмиз, давлат ва жамиятни янгилашга қаратилган ислоҳотлар янада чуқурлашувини пайқаймиз. Янги аср арафасида ва дастлабки йилларида мамлакатимиздаги демократлаштириш жараёнлари янада фаоллашади. Бу даврда ҳаётимизнинг барча соҳаларида — сиёсат, давлат бошқаруви, иқтисодиёт жабҳаларида ҳаёт янада эркинлаштирилади. Маърузада ана шундай улкан янги вазифа қўйилган.

Мустақиллик йилларида, шунингдек, жамиятни маънавий жиҳатдан ривожлантириш, фуқароларда янги маънавиятни шакллантириш ва тараққиётнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб келди. Бу тамойил янги асрда давом этадиган ислоҳотлар даврида ҳам бош йўналишлардан бири бўлиб қолади. Ниҳоят, янги тарихимизнинг муҳим саҳифаларидан бири шуки, ислоҳотларни изчил ва муваффақиятли давом эттириш учун мамлакатда тинч, осойишта ва барқарор ижтимоий шароит бўлиши зарур. Давр синовидан ўтган бу ғоя бундан кейин ҳам долзарб маъноларда жаранглайверади. Шу боисдан маърузада **давлатнинг тинч ва осойишталиги, ижтимоий вазиятнинг барқарорлиги, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик, мамлакат ҳудудий яхлитлигини таъминлаш** бош вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Санаб ўтилган йўналишлар, бир қарашда, янгилик эмасдай туюлади. Бу ҳолат маърузада ҳам таъкидланган. Лекин масаланинг муҳимлиги шундаки, биз шу пайттача мамлакатда бошланган туб **ислоҳот йўналишларини** сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишдек, **чуқурлаштириш**дек улуғвор вазифалар қаршисида турибмиз. Маъруза ана шундай янги, ўткир вазифаларни ўзида мужассам этган дастурий ҳужжатдир. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузаси — халқимиз учун сиёсий, иқтисодий ва маънавий камолотнинг янги даврига йўлланмадир.

Маърузанинг мазмуни ва ғоялар дунёси бундан ҳам кенг. Унинг ҳар бир сатри ва уларда ифодаланган ҳар бир фикр халқимизнинг истиқболимизни аниқ ва равшан тасаввур этишига хизмат қилади.

XXI асрга ўтиш даврининг яна бир ҳал қилувчи босқичининг арафасида турибмиз. Унинг бош йўналишлари Президентимиз томонидан кўрсатиб берилди. Бу даврда ҳал қилинадиган муаммоларнинг ечимига эътибор қаратилди. Биз шу йўлдан собитқадамлик билан борсак, белгиланган улкан вазифаларни муваффақиятли адо этсак, Ўзбекистоннинг буюк келажаги сари янги қадамларни қўйган бўламиз.

Олдимизда бизни истиқлол туфайли танлаган ўз тараққиёт йўлимизнинг янги, ёрқин уфқлари ойдинлашмоқда. Биз унга муносиб бўлайлик.

Аббосхон УСМОНОВ.

ЭКО: БОЖХОНАЧИЛАР АНЖУМАНИ

Тошкентда Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ЭКО) га аъзо мамлакатлар божхона хизмати раҳбарларининг VI йиғилиши бошланди

Йиғилишнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳамидов тадбир қатнашчиларига мамлакатимиз ҳукумати номидан табрик сўзини ўқиб эшиттирди. У ЭКО доирасидаги интеграция жараёнларини фаоллаштиришда коммуникация тармоқларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, бунда божхона масалалари алоҳида ўрин тутишини қайд этди.

Албатта, табиий заҳираларга бой, катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган минтақа миқёсида ҳамкорликни ривожлантириш учун, аввало, божхона тарифларини мувофиқлаштириш, бу борадаги меъёрларни мослаштириш ҳамда сармоя ва товарлар оқимини осонлаштириш талаб қилинади. Таъкидлаш жоизки, интеграцияни фақатгина божхоналарда жорий қилинган тартибларгина оқсатмайди. Гиёҳванд моддалар, қурол-яроғ контрабандаси ва бошқа салбий омилларга қарши ҳам биргаликда курашмоқ зарур.

Б.Ҳамидов анжуман ишига муваффақият тилар экан, унда ЭКО минтақаси доирасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қиладиган натижаларга эришилажагига умид билдирди.

Шундан сўнг ЭКО котибиятининг савдо ва сармоя бўйича директорати раҳбари Аҳмет Тиктик сўзга чиқди. У ташкилот Бош котиби номидан мазкур тадбирни юқори савияда ташкил этгани учун Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдирди ва йиғилишда кўрилиши кутилаётган масалаларга тўхталди. Унинг таъкидлашича, ЭКО доирасида имзоланган транзит савдо тўғрисидаги битим 1998 йилнинг январида расман кучга кирган, лекин амалда ишламаяпти. Бунга битимнинг ратификация қилинмаганлиги, юклар оқими тўғрисидаги ҳужжатни ишлаб чиқиш ниҳоясига етмагани, транзит товарларнинг хавфсизлиги тўла кафолатланмагани, минтақадаги автомобиль ва темир йўллар, шунингдек, портларнинг харитаси йўқлиги сабаб бўлмоқда. Бундай турдаги ечимини кутиб ётган муаммолар анчагина.

Йиғилиш иштирокчилари транзит савдо тўғрисидаги битим ҳамда контрабанда ва божхона қоидабузарлигига қарши кураш борасида ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандумини ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек, ЭКО мамлакатлари божхона хизматларининг доимий комиссиясини тузиш, соҳа кадрларини тайёрлаш дастури билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилмоқда. Қатнашчилар БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича комиссияси (ЮНКТАД) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган дастур лойиҳасини ҳам кўриб чиқиши кутилаётир. Бу ҳужжат ЭКО минтақасида савдо-сотиқнинг самарадорлигини ошириш бўйича саъй-ҳаракатлар мажмуини ўз ичига олган.

Анжуман 12 июнга қадар давом этади.

(ЎзА).

ТЕХНИКАНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Мамлакатимиздаги кўплаб йирик корхоналар ўтиш даври мураккабликларини чуқур таҳлил этиб, иқтисодий юксалиш йўлига чиқиб олмоқдалар. Нукус тажриба-таъмир механика заводи шулар жумласидандир. Кейинги икки йилда бу ерда ишлаб чиқариш ўсишининг суръати 365 фоизни ташкил қилди.

«Ўзсувқурилиш» давлат концерни таркибига кирувчи бу корхонанинг фаолияти бугунги кунда ранг-баранг. Улар Т-130 тракторлари, Э-652 экскаваторлари ва уларнинг двигателларини тўла таъмирлайдилар, ностандарт жиҳозлар, металл қурилмалар ясайдилар, эскирган эҳтиёт қисмларга «иккинчи умр» бахш этадилар.

СУРАТЛАРДА: таъмирланган техника воситалари буюртмачиларни кутмоқда; пайвандлаш цехи бошлиғи Раҳмон Есемуродов ва назоратчи Гулбаҳор Юсупова тайёр маҳсулотни кўздан кечиришмоқда.

О. МУРАТОВ (ЎзА) олган суратлар.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЎЗИМИЗНИНГ ДОНИМИЗ — ЎЗИМИЗНИНГ НОНИМИЗ

Ўзбекистон тупроғининг ноёб унумдорлиги, энг муҳими, халқимизнинг меҳнатсеварлиги республикамизни қудратли агросаноат салоҳиятига эга мамлакатга айлантириш имконини берди. Мамлакатимизда собиқ тузум давридан мерос бўлиб қолган пахта яккаҳокимлиги тугатилиб, истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ ғалла мустақиллигига эришишнинг асослари яратилди. Кейинги учтўрт йилнинг ичида ғалла майдонлари, биринчи навбатда буғдой экиладиган ерлар юзлаб минг гектардан ортғани бунинг ёрқин мисолидир.

Эслайлик, мустақиллигимизнинг илк йилларида дон асосан четдан валюта ҳисобига келтириларди. Шу боис ҳам мамлакатимиз раҳбари муҳим бир устувор йўналиш — дон мустақиллигига эришиш вазифасини аввалбошданоқ қатъий қилиб қўйдилар.

Бунинг натижасида, мисол учун, 1997 йилга келиб озиқ-овқат учун республикага дон импорт қилиш 6 баробар қисқарди. Бугунга келиб эса, айтиш мумкинки, биз ўзимизни деярли тўлиқ равишда дон ва дон маҳсулотлари билан таъминлаяпмиз. Энг муҳими, бу масаланинг стратегик аҳамияти, яъниким Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида нафақат сиёсий, балки иқтисодий соҳада ҳам ўз мустақиллигини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Гапнинг индаллосини айтганда, ўз меҳнатинг билан яратилган ҳар қандай маҳсулот ширин бўлади, шу жумладан, дон ҳам. Суғориладиган ва лалми ерларда етиштирилаётган ўзбек дони халқимизнинг ризқ-рўзига айлангани рост.

Мен масаланинг сиёсий жиҳати муҳимлигини таъкидлар эканман, бу ерда халқимиз ҳаётининг янгиланиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар нечоғли самарали кечаётгани, қишлоқ ҳаётининг барча жабҳаларига нечоғли чуқур кириб бораётгани билан боғлиқлигини қайд этмоқчиман. Шу боис ҳам Президент Ислом Каримов қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга истиқлолимизнинг биринчи кунлариданоқ жиддий киришган эди. Очиғини айтганда, МДҲдаги ҳеч бир давлатда мамлакат раҳбари аграр соҳага Ўзбекистондагидек бунчалик катта эътибор қаратмаган. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти учун деҳқонларимиз манфаатини кўзлаб қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар, қонунлар бундан далолат.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, республика Вазирлар Маҳкамасининг "1999 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ғаллакорларимиз оғирини енгиллатишга, уларга яқиндан ёрдам беришга қаратилган муҳим дастуриламалдир. Мазкур қарорда тегишли вазирлик, қўмита, корпорация ва компаниялар, ташкилот ва хўжаликлар зиммасига ғалла ўрим-йиғимини тез ва сифатли ўтказиш вазифаси юклатилган. Қарорда комбайн ҳайдовчиларининг гуруҳларга ажралган ҳолда унумли меҳнат қилиши, уларга ўз вақтида ҳақ тўлаш, транспорт воситаларидан узлуксиз фойдаланиш, дон нобудгарчилигига йўл қўймаслик, ҳосилни пешма-пеш дон комбинатларига топшириш каби қатор тадбирлар бажарилиши кўзда тутилган.

Куни кеча мазкур қарорнинг изчил бажарилишини таъминлашга бағишланган республика мутасадди идоралари раҳбарларининг йиғилишида ҳам масаланинг ўта долзарблиги алоҳида таъкидланди. Бу йил мамлакатимизда 1,3 миллион гектар майдондан тўрт миллион тоннадан зиёд ғалла йиғиштириб олиш режалаштирилмоқда. Синов тариқасида (апробация қилинган) текширириб кўрилган майдонларда, тахминларга қараганда, республика бўйича 40 центнердан ҳосил етиштириш имконияти мавжуд. Андижон вилоятида ғалла ҳосилдорлиги гектар бошига 60-70 центнерни, Самарқанд вилоятида 50 центнерни ташкил этиши, Фарғона, Наманган, Бухоро вилоятларида эса 40 центнердан зиёд бўлиши кутилмоқда.

Мутахассислар фикрича, мамлакатимиз далаларида мўлжалдаги ҳосил тўпланган. Бундан ташқари, қишнинг бирмунча илиқ келиши ғалланинг одатдагидан 10-14 кун эрта етилишини таъминлади. Шу боис ҳозир республикамиз ғалла майдонларида иш қизғин. Айниқса, Ангор, Жарқўрғон, Олот, Ромитан, Қамаши ва Нуробод туманлари хўжаликларида гектаридан 35-40 центнердан дон йиғиштириб олинаётгани қувонарли ҳол.

Эрта-индин ғаллазорларда бирин-кетин 6,5 мингдан зиёд комбайнлар ишга тушиб, ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишга киришади. Комбайнларнинг 1 минг 184 таси Ўзбекистон шароитида муваффақиятли синовдан ўтган "Кейс" ва "Класс" ўрим агрегатларидир. Дарвоқе, бу йил мавсумни 20-25 иш кунида якунлаш кўзда тутилмоқда.

Зеро, бунинг учун ҳамма шароит бор: мавжуд техника ва комбайнлар мавсумга ўз вақтида тайёрланган, уларнинг узлуксиз ишлаши учун сервис хизмати йўлга қўйилган, эҳтиёт қисмлар, ёнилги ва мойлаш маҳсулотлари етарли заҳираси вужудга келтирилган. Июннинг иккинчи ўн кунлигида амалдагиларига қўшимча яна 100 та "Кейс" комбайни хориждан келтирилиб, ишга туширилади. Дон комбинатларида ҳам донни қабул қилиш, сақлаш ва ургулик тайёрлаш учун махсус жойлар ҳозирлаб қўйилган.

Топширилган маҳсулот учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш масалалари ҳам тўлиқ ҳал этилган. Хуллас, юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатимиз ҳукумати деҳқонларимиз учун барча шарт-шароитларни муҳайё қилган. Бинобарин, бугунга келиб жойларда уюшқоқлик билан ишни ташкил этиш энг муҳим вазифа бўлиб турибди.

Ота-боболаримиз "Донни йиғган донодир" деб бежиз айтишмаган. Ҳосилни ўз вақтида, нест-нобуд қилмай йиғиштириб олсак, омборларимиз донга тўлади, халқимизнинг ризқи бутун бўлади. Ўзимизнинг донимиз — ўзимизнинг нонимиз. Яратганга шукурки, ҳосил мўл, деҳқонларимиз кўнгли тўқ. Қаранг, Ўзбекистон бугдой карвонлари йўлга чиқди. Хирмонингизга барака, азиз ғаллакорлар!

Аслиддин БОЛИЕВ.
(ЎзА).

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қандай бажарилаяпти?

МУСТАҚИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

Она-Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигининг саккизинчи йилига қадам қўйди. Халқимиз қисқа вақт ичида эришган ютуқларни бутун дунё кўриб, тан олмоқда. Энг муҳими, юртимиз тинч, кундан-кунга обод бўлиб бормоқда. Одамларимиз яратувчилик меҳнати билан машғул.

Мустақиллик қўлга киритилгач, халқ хўжалигининг барча тармоқларида бўлгани каби таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимимизда ҳам ислоҳотларга эҳтиёж сезилди. Шу эҳтиёж ва давр талабидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Олий Мажлисининг IX сессиясида «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор Муродулла НОРМУРОДОВ билан ушбу суҳбатда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида мазкур институтда қандай ишлар қилинаётгани, профессор-ўқитувчилар, ёшлар маънавияти муаммолари тўғрисида сўз юритилади.

— Муродулла Тоғаевич, мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганига ҳам бир ярим йилдан кўпроқ вақт ўтмоқда. Сиз раҳбарлик қилаётган олий ўқув юртида миллий дастурни амалга ошириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Институтимиз минтақамиздаги олий маълумотли муҳандис-иқтисодчи кадрлар тайёрлашга ихтисослашган нуфузли ўқув масканларидан ҳисобланади. Айни пайтда институтимизнинг кундузги ва сиртқи бўлимларида уч мингдан ошиқ талаба таълим олаяпти.

Бу таълим даргоҳини битирган минглаб мутахассислар воҳа халқ хўжалигининг турли тармоқларида самарали меҳнат қиляпти. Аммо шу нарса сезилиб қолдики, олий ўқув юртларида тайёрланаётган кадрлар сифатини яхшилаш керак.

Бу ҳолатни ўз вақтида пайқаган Юртбошимизнинг ташаббуслари билан мамлакатимизлаги барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқишга қабул қилишнинг тест усули жорий қилинди. Тест — абитуриентлар билимини аниқлашнинг энг адолатли йўли эканлиги амалда исботланди. Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатаяптики, тестни йилдан-йилга такомиллаштириб боришга зарурият сезилаяпти. Ва шундай бўлаяпти ҳам. Таклиф сифатида шуни айтишим мумкинки, тест саволлари заҳираси ниҳоятда бой ва миқдори кўп бўлиши керак. Шунда абитуриент уларнинг ҳаммасини ёдида сақлашга имкони бўлмайди. Бу эса тест синовининг янада адолатлироқ ўтишини таъминлайди.

Институтимиз тўғрисида гапирадиган бўлсак, биз ишимизни таълим ҳақидаги янги ҳужжатлар асосида ташкил қиляпмиз. Жумладан, профессор-ўқитувчилар ва ходимлар «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қанчалик ўрганганлигини аниқлаш мақсадида аттестациядан ўтказилди, барча фанлар бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари, дастурлар экспертиза қилинди, янги адабиётлар олинди, талабалар билимини назорат қилишнинг тест-рейтинг тизими ишлаб чиқилди ва унга тўлиқ ўтилди. Институтда тест маркази ташкил қилиниб, у замонавий ЭҲМлар билан жиҳозланди. Институтда иқтидорли талабаларга алоҳида ўқув режалари асосида машғулотлар ўтилмоқда. Мутахассислик кафедраларининг ишлаб чиқариш корхоналарида филиаллари очилди (масалан, Толлимарджон ГРЭСида, Шўртан ГКБда, «Ўзбекнефтьгазгеология» бирлашмасида, «Машхолдинг» ва бошқа жойларда). Шу ўринда бир фикрни илгари сурмоқчиман. Миллий дастурда айрим ўқув юртлари базасида йирик саноат корхоналари билан ҳамкорликда ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари барпо этиш ҳақида таклифлар айтилган. Бизнинг вилоятимизда ҳам катта саноат корхоналари мавжудлигини ҳисобга олсак, ана шундай ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи ташкил қилиш имконияти мавжуд. Келгусида биз ушбу ниятни амалга оширишни мўлжаллаяпмиз.

— Миллий дастурда кадрлар тайёрлаш сифатини жаҳон андозаларига мос даражага етказиш тўғрисида сўз юритилган...

— Ҳа, давр талаби ҳам шу. Талабаларнинг жаҳон меъёрлари даражасида билим олишларини таъминлаш учун, аввало, икки муҳим омил бор: биринчиси, талаба ўз она тилидан ташқари камида битта чет тилини билиши керак; иккинчиси, талаба, албатта, компьютер билан ишлашни ўрганиши талаб қилинади. Ривожланган мамлакатларда қайси соҳа мутахассиси бўлмасин, аввало, мана шу икки талабга жавоб бериши керак. Биз ҳам институтимизда талабаларимизнинг мана шу икки малакани эгаллашларига алоҳида эътиборни қаратаяпмиз. Ана шундай ташкилий-маърифий тадбирларимиздан айримларини айтиб ўтай. Республика «Умид» жамғармаси танловига биноан, талабаларни чет элларга ўқишга юборишнинг бошқа маълум ишлар амалга оширилмоқда. Талабаларнинг чет тилларини пухта ўрганишини таъминлаш мақсадида институтда тил маркази ташкил қилинди. Нефть ва газ иши мутахассислигини битирган талабамиз Роберт Шишкин «Умид» жамғармаси танловида ғолиб чиқиб, АҚШда магистратурада ўқимоқда. Шу мутахассислик бўйича 5-курс талабаси Жаҳонгир Нурматов республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг гранти совриндори бўлиб, Италиянинг Милан политехника университетида таълим олмоқда. «Устоз» жамғармаси орқали профессор-ўқитувчиларимизнинг чет элларда малака оширишини йўлга қўяяпмиз. Шу ўқув йилида икки доцентимиз — А. Ҳуррамов ва А. Муҳаммадиевлар хорижга малака оширишга боришади.

Институтимизда халқаро алоқалар йўлга қўйилиб, шу иш билан шуғулланадиган махсус бўлим ташкил этилди. Натижада Германиянинг Гамбург техника университети билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартномалар имзоладик. Германия техника университетининг профессори А. Шаумбург институтимизнинг фахрий профессори этиб сайланди. У талабалар ва ёш тадқиқотчиларимизга бир неча бор маърузалар қўйди. Германия давлати институтимизнинг ёш тадқиқотчилари учун битта грант ажратди. Яқинда институтимиз жамоаси «ТАСИС ТЕМПУС» Европа халқаро дастурининг грантини олишга ҳам сазовор бўлди. Бу дастур лойиҳасининг номи: «Информацион технологиялар соҳасида магистрлик курсини ишлаб чиқиш, шу соҳада ўқитувчилар тайёрлаш». Айни пайтда бир неча ўқитувчиларимизни тайёрлаяпмиз. Улар мазкур дастур бўйича Голландия ва Германия мамлакатларида малака оширадилар.

Институтимизда маркетинг бўлимини ташкил этдик. Айни пайтда минтақанинг кадрларга бўлган эҳтиёжи ўрганилмоқда. Янги мутахассислик йўналишларини очдик. Яна янги — кимёвий технология, фермер хўжаликларига сервис хизмати кўрсатиш, менежмент, ўсимликларни ҳимоя қилиш, енгил саноат технологияси каби мутахассислик йўналишларини очиш ниятимиз бор.

Ишларимиз биз тайёрлаётган кадрлар сифатининг кескин яхшиланишига олиб келади.

— Президентимиз Тошкент шаҳрида шу йил 16 февралда содир этилган фожиали воқеаларга муносабат билдириб, «Биз болаларимизни ҳеч кимга бермаймиз!», «Ёшларимизни ўзимиз тарбия қиламиз!» дея юракдан самимий гаплар айтди. Умрининг катта қисмини ёшлар таълим-тарбиясига бағишлаган инсон, мураббий сифатида, айтинг-чи, биз ёшлар тарбиясида нималарга эътиборни қаратишимиз керак?

— Очиқ гапирадиган бўлсам, бизга тенгқур авлод бугунги кунларни ҳаёлида ҳам тасаввур қилолмасди. Мустақиллик туфайли ёшларга, илм аҳлига яратилган шароит, имкониятнинг миқёсини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Фақат ёшлар бу кунларнинг қадрига етиши керак, деб ўйлайман. Оллоҳга минг бора шукрки, бугун юртимизда мустақиллик насимлари эсмоқда. Иқтидорли йигит-қизлар учун ҳамма йўллар, эшиклар очиқ, хоҳласа Америкада ўқисин, хоҳласа Германияда, хоҳласа Японияда... Ёшлар шуни асло ёдларидан чиқармасликлари керак: биз ҳеч кимдан, ҳеч қайси миллатдан кам эмасмиз. Биз улуғ миллатнинг вакилларимиз. Чунки боболаримиз, момоларимиз улуғ одамлар бўлишган. Тарихдан маълумки, аслида цивилизация Шарқдан бошланган. Шундай экан, оққан дарёлар оқаверади. Насиб бўлса, келгусида мамлакатимиз жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлардан бирига айланишига шак-шубҳа йўқ. Фақат ёшларимиз баъзи бир ўткинчи туйғулар, қарашлар, ёлғон ғоялар таъсирига тушиб қолмасликлари, биз, катталар уларни мана шу хавфдан ҳамиша огоҳ этиб туришимиз лозим.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Бу ҳақда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам айтилган. Биз, ўрта ва катта авлод вакиллари истаймизми-йўқми — шўролар даврида ўқилик, қамол топдик, тарбияландик. Ўзимизни қай даражада қайта қурмайлик, миямизнинг қайсидир ҳужайрасида мутелик, қулдик психологияси ҳукмрон. У бизни жиловлаб туради. Бугунги ёшлар эса озод юртнинг фарзандларидир. Шундай экан, биз, олимлар, мураббийларнинг асосий вазифамиз ҳур, озод инсонни, мустақил фикрлайдиган, ўз кучига ишонадиган эркин шахсни тарбиялашимиз шарт. Ҳозирги ёшларнинг устун жиҳати ҳам шунда: улар озод мамлакатнинг, келажаги буюк давлатнинг эркин фуқароларидир. Ва биз, бугун олий ўқув юртларида сабоқ бераётган профессор-ўқитувчилар, мана шундай йигит-қизларни камол топтириш учун биринчи галда масъулмиз. Бу иш, кўриниб турибдики, ниҳоятда қийин ҳамда шарафлидир.

Абдужалол ТАЙПАТОВ суҳбатлашди.

ХОНАТЛАСНИНГ ЎЧМАС ЖИЛОСИ

Она, Опа-сингил, суюкли Ёр... Уларсиз ҳаётни тасаввур қилиш мумкинми? Хонадонимиз файзи, фарзандларимиз тарбиячиси, оиламиз суянчиғи АЁЛ эмасми? Бошқасини кўя туринг, Онанинг биргина оқ сути ҳақини узиб бўладими, ахир? Баъзан оёғимизни сал тирнаган хас-чўп онаизоримиз учун унинг кўзига тушиши билан баробар эканлигига эътибор ҳам қилмаймиз.

Мавжуда опа Абдукаримова ҳам фарзандим, оилам, деб тунларни бедор ўтказадиган, касбим, шогирдларим, деб куйиб-пишадиган, Ватаним, миллатим, деб ёниб яшайдиган мунис онахонларимиздан саналади.

Бир кам олтмишни қоралаган Мавжуда опа айни кунда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида талабаларга сабоқ бериб келаяпти. Оддий ассистентликдан техника фанлари докторлигигача бўлган заҳматли йўлни босиб ўтган М. Абдукаримова бутун илмий изланишларини, сермазмун умрини хонатлас ишлаб чиқаришнинг кимёвий технологиясини такомиллаштиришга бағишлаган.

Олима раҳбарлигида рангли хонатлас ишлаб чиқариш учун шу вақтгача қўлланиб келинган бўёвчи моддалар ўрнига ипак толасига мустаҳкам ковалент боғланиш орқали бириқадиган актив бўёвчи моддалардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Мазкур моддаларнинг ипакка боғланиш даражасини ошириш мақсадида бўяшдан олдин уни ферментлар билан фаоллаш, бўёвчини толага қўшимча боғловчи бифункционал ва катионли препаратларни қўллаш ҳар томонлама чуқур илмий ўрганилиб, олинган натижалар асосида технологик шароитлар яратилди. Янги технология Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш корхонасида бир неча бор қайта текширувдан муваффақиятли ўтганидан сўнг амалиётга жорий этилди.

— Илгари, — эслайди Мавжуда опа, — Тошкент тўқимачилик комбинатида республикага донғи кетган Мавжуда исмли аёл ишлаган эканлар. Онам шу аёлга ҳавас қилиб менга исм қўйганлар. Балки шу воқеа тўқимачилик соҳасини танлашимга туртки бўлгандир.

— Кечаги шаддод қизалоқ — Мавжуданинг бугунги техника фанлари доктори бўлишида, — бироз ўйга толгач давом этади опа, — энг аввало, ота-онамнинг беқиёс хизматлари бор. Улар ўзлари саводсиз бўлишига қарамай, ўқимишли инсонларни алоҳида меҳр ва ҳавас билан улуғлар эдилар. Шахс сифатида шаклланишим, илмга қунт қўйишим ҳамда ўткинчи қийинчиликларни сабр билан енгиб ўтишга одатланганим ҳам биринчи навбатда менга берилган тарбия билан боғлиқ.

Онам болалигида отаонасиз қолиб, қариндошлар қўлида тарбияланган. Бирор-бир маълумоти бўлмаса-да, кенг мушоҳадали ва ўта зийраклиги боис 25 йил жамоа хўжалигига раиса ва бошқа раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатганлар. Бошланғич мактабда ўқиб юрганимдаёқ, онам бирор мажлисга борсалар, албатта, менга китоб олиб келардилар. Жамалак соч Мавжуда қизалоқнинг беғубор қалбидаги илмга бўлган илк учқунлар ана ўша китоблар туфайли чўғланган десам, ишонаверинг.

Мавжуда опа билан суҳбатлашганингиз сайин унинг умр дафтаридаги сермазмун саҳифалар кўз олдингизда очилиб бораверади. Ушбу саҳифаларда М. Абдукаримованинг тўрт нафар фарзандининг меҳрибон онаси, ўнлаб неваралларнинг севимли бувижониси эканлигидан тортиб, олима қаламига мансуб 20 дан ортиқ услубий қўлланма ва рисолалар, опанинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида беш нафар аспирант номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгани, яна бир нечтаси ёқлаш арафасида турганлиги ҳақида битиклар мавжуд. Уларнинг энг асосийларидан бири ҳақида Мавжуда опа шундай ҳикоя қилади:

— Мен ишлаётган тўқимачилик материалларини пардозлаш ва кимёвий толалар технологияси кафедрасидаги барча илмий изланишлар мамлакатимиздаги тўқимачилик ва кимёвий толалар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар билан узвий алоқалар асосида олиб борилади. Сўнгги ўн йил давомида ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг долзарб муаммо — мустаҳкам рангли хонатлас тайёрлашнинг кимёвий технологиясини яратиш устида илмий изланиш олиб бордим. Ва ниҳоят, бундай матоларни ишлаб чиқаришнинг кимёвий технологиясини жадаллаштириш усулларини ҳам назарий, ҳам амалий асослаш илмий йўналишини яратдим.

Суҳбат асносида М. Абдукаримованинг таржимаи ҳолига кўз югуртираман: 1940 йили Янгийўл тумани, Занги ота қишлоғида туғилган. 1958 йили ўрта мактабни муваффақиятли тамомлагач, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг шу йили очилган кимёвий толалар технологияси факультетига ўқишга кирган. Москва давлат университетида аспирантурани битирган. 1968 йилда катта илмий режалар билан яна қадрдон институтига қайтади. Талабалик ва аспирантлик йилларида илмий салоҳиятли домлалар қўлида таҳсил олгани унинг ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўрин тутганини алоҳида таъкидлайди. Илмий ишлар билан шуғулланган аёлларнинг бола тарбиясига вақти етмаслигига ишонмайди. Бунга ўзидан мисол: тўрт нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди, ўқитди, уйли-жойли қилди.

Катта қизи Гулноза шифокор, ўғиллари Акромбек ва Рустамбеклар иқтисодчи бўлиб етишишди. Кенжатойи Санобар 10-синфни «аъло» баҳолар билан битирди. Мавжуда опанинг келинлари ҳам ўқимишли. Қайнонасидан ўрнак олган Дилфузахон ҳам ўқишларига ҳам, хизмат вазифасига ҳам бирдек улгуради.

Мавжуда опа бутун илмий фаолияти давомида турмуш ўртоғи Абдусаттор аканинг бевосита кўмагига таянди. Чунки у киши ҳам олим, биология фанлари доктори. Икки олим оила, рўзғор аталмиш аравани баҳамжиҳат тортиб келишаяпти.

Қаҳрамонимиз ўзининг энг севимли таоми турмуш ўртоғи Абдусаттор ака дамлаган ош эканлигини ҳам яшириб ўтирмади. Ўзи эса хонимнинг, манти тайёрлашни, турли кўкатлар ўстиришни хуш кўради. Ишдан қанчалик толиқиб қайтмасин, невараларининг «бувижон» деб бўйнига осилишидан барча чарчоқлари чиқиб кетишини тан олади.

М. Абдукаримова ана шундай аёл, она, олима. Яна саналмаган қанча хислатлари бор у кишининг. Ана шу фазилатларнинг барчасини ўзида мужассам этган шоирнинг сатри билан айтсам: «Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл!».

Озод РАЖАБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Республика бўйлаб ҳар йили ўтказилаётган экология ва саломатлик кунларининг 11 босқичи доирасида, шунингдек, Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб «ЭКОСАН» жамғармасининг ташаббуси билан 5 июндан бошлаб «Санитария, гигиена ва экологик маданият ўн кунлиги» ўтказилмоқда. У 15 июнгача давом этади.

ТАДБИР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўн кунликнинг бошланиши муносабати билан «ЭКОСАН» жамғармаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда Туркистон саройининг ёзги биносида ўзбек эстрада юлдузлари ҳамда сўз усталари иштирокида тантанали кеча ва хайрия концерти ташкил қилди. Тантанада хорижий мамлакатларнинг республикамиздаги элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари, вазирлик ва идоралар, Тошкент шаҳри ва «ЭКОСАН» жамғармасининг фаоллари, талабалар ва ўқувчи ёшлар иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

СУВЧИ — ЭКИННИ ЯШНАТУВЧИ

Сирдарё туманидаги «Малик» ширкатлар уюшмаси деҳқонлари жорий йилда ҳар қачонгидан мўл пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш йўлида мавжуд экинларни меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Бунда тажрибали сувчи Жўра ота Жумаевнинг (суратда) ҳиссаси, айниқса, катта бўлаяпти. У ниҳолларни ўз вақтида оби-ҳаётга қондиришга эришмоқда.

Айни чоқда Жўра Жумаев пудратчи сифатида 12 гектар майдонда дон учун маккажўхори ўстираётир.

Р. АКБАРАЛИЕВ
олган сурат.

Ўзбекистон ёшларининг «КАМОЛОТ» жамғармаси «КАМОЛОТ- МЎТТИ» студияси

1999 йил 24-25-26 июнь кунлари

Ўзбекистон халқ артисти Наби Раҳимов хотирасига бағишлаб

«ҚИЗИҚЧИ-99»

кўрик-танловини ўтказади.

Танловнинг 1- босқичи вилоят ва шаҳарларда 20 июнга қадар якунланади.

Унда 35 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этади.

Танловда иштирок этишни хоҳлаганлар «Камолот» жамғармасининг жойлардаги бўлинмаларига мурожаат қилишлари мумкин.

Саҳналаштирувчи режиссёр: Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси мукофоти совриндори — Шерали Ҳожиев.
Сўровлар учун тел: 41-08-61.

©/1837

Солиқлар — бюджетга

СЎЗСИЗ ВА СИФАТЛИ БАЖАРИЛАДИ

Давлат солиқ қўмитаси ҳайъати мажлисида 1999 йил апрель-май ойларида тизимда прогноз топшириқлари бажарилишининг якунлари чуқур таҳлил этилди, биринчи ярим йиллик кўрсаткичларини сўзсиз ва сифатли адо этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Мажлисни Давлат солиқ қўмитаси раиси С. Алимбоев олиб борди.

Маърузада ва муҳокамада қатнашган вилоятлар давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг сўзларида ўтган ойларда прогноз кўрсаткичлари умуман бажарилган бўлса-да, лекин мавжуд имкониятлар тўла ишга солинмаганлиги эътироф этилди. Бир қатор вилоятларда барча манбалар бўйича солиқлар тўлиқ ундириб олинмаяпти. Айниқса, ер солиғи, акциз солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқларни ундиришда сусткашлик сезилмоқда. Бюджет олдида қарздор корхоналар қарзини уларнинг мол-мулкидан ундириш ҳам эътибордан четда қолмоқда. Боқимандаларнинг кўпайиб бораётганлиги ташвиш уйғотмоқда. Бундай ҳолатларга барҳам бериш учун июнь ойида барча имкониятларни тўла ишга солиш, бюджетга солиқлар ва тўловлар тушишини манбалар бўйича кунма-кун таҳлил этиб бориш талаб этилади.

Мажлисда аёлларнинг оилада, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоялаш юзасидан давлат дастури солиқ тизимида қандай бажарилаётганлиги, ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ж. НОСИРОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 1999 йил 24 майдан 5 июнгача бўлган маълумот):

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ер ости бойликларини геологик ўрганиш бўйича ишларни ривожлантириш истиқболини шакллантиришга доир йўриқнома. *ЎзР Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган ҳамда Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан келишилган.*

1999 йил 25 майда 735-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

2. Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *«Ўзгеодезкадастр» томонидан тасдиқланган ҳамда ЎзР Ер ресурслари давлат қўмитаси билан келишилган.*

1999 йил 27 майда 736-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ва ички бозорда сотиладиган видео ҳамда аудио аппаратуралари учун акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг вақтинчалик тартиби. *ЎзР Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 1 июнда 737-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

4. Аҳоли даромадларини фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳисобварақларига нақд пулсиз ўтказиш бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби. *ЎзР Марказий банки ва республика Пулкредит сиёсати бўйича комиссия томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 3 июнда 738-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини амалга ошираётган суғурта ташкилотлари активларининг мажбуриятларга меъёрий мувофиқлиги тўғрисида вақтинчалик низом. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 4 июнда 739-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

6. 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби бўйича услубий кўрсатмалар. *ЎзР Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 4 июнда 740-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

7. Ўзбекистон Республикаси валюта бозорида операцияларни амалга ошириш тартибига 1-сонли ўзгартириш. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

1999 йил 4 июнда 467-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Рўйхатдан ўтказилган меъёрий ҳужжатлар, улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, кучга киради. Айрим ҳолларда меъёрий ҳужжатларни кучга киритиш учун қонунчиликда белгиланган бошқа қоидалар ҳам бажарилиши лозим (матбуотда чоп этиш ва бошқалар).

II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг муассасаларида иш юритиш бўйича йўриқнома. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида "Хизматда фойдаланиш учун" махсус ёзувли ҳужжатларни ҳисобга олиш, фойдаланиш ва сақлаш бўйича тартиб. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

Ушбу ҳужжатлар умумий мажбурий тусга эга эмас (яъни, ички идоравий ҳужжатлар). Шунинг учун улар ушбу идоралар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Ички идоравий ҳужжатлар идоравий муносабатлар чегарасидан ташқарига чиқувчи муносабатларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

III. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:

1. Классификация гувоҳномаси. *Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

2. Сузишга лойиқлик ҳақида гувоҳнома. *Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

3. Кема гувоҳномаси. *Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

4. Ўзбекистон Республикаси дарё кемачилиги регистри низоми. *Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

5. Ўзбекистон Республикаси ички кема йўлларида сузиш қоидалари. *Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

6. Амударё - дарё бассейнида фойдаланилаётган ички сузув кемаларига регистр талаблари. *Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этилган.*

7. Ўзбекистон Республикасида кредит ресурслари аукционларини ўтказиш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

8. Хорижий валютадаги ҳисобларда маблағлари бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги муддати ўтказилган мажбуриятларини қоплаш тартиби. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

9. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан нақд пул маблағларини топшириш ва олиш тартиби. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

10. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг раҳбар лавозимларига тайинлаш ва озод этиш ҳамда педагог ва муҳандис педагог кадрларни ишга қабул қилиш ва бўшатишнинг муваққат тартиби. *ЎзР Меҳнат вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

11. Ишлаб чиқаришда ногиронлар меҳнатидан фойдаланилганда иш жойларини аттестациядан ўтказиш бўйича услубий тавсиялар. *ЎзР Меҳнат вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

12. Реабилитация пунктлари ва маст ҳолатда бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом. *Тошкент шаҳар ҳокимияти Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан тақдим этилган.*

Тақдим этилган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қоидалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хулосалари ҳисобга олинган ҳолда қайта ишланган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этилиши мумкин.

IV. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмоқда:

1. Банкларни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш тартибига 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

2. Банкнинг устав фонди миқдорини, акциядорлари таркибини, номланиши ва жойлашган жойини ўзгартириш, уставига ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

3. Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисидаги низомга 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

4. Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

5. Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ички меҳнат тартибининг намунавий қоидалари. *ЎзР Меҳнат вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

6. Коммунал хизматлар кўрсатиш ставкалари ва тарифларини шакллантириш учун харажатлар таркибини белгилаш усули. *ЎзР Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

7. Ишлаб чиқариш қуввати йиллик ҳисоблар балансларини тузиш бўйича кўрсатмалар. *ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

8. Истеъмол товарларини сотиш нархлари истиқболини белгилаш ва ишлаб чиқариш ҳисоби бўйича кўрсатмалар. *ЎзР Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

9. Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисидаги низом. *ЎзР Меҳнат вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

10. Меҳнат органларида рўйхатга олинган ва ишсиз деб эътироф этилган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш даврида стипендиялар тўлаш тартиби тўғрисида низом. *ЎзР Меҳнат вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

11. Касбга тайёргарлик ва қайта тайёргарлик, малакасини оширишдан ўтган ходимларни аттестациялаш ва малака даражасини бериш тартиби тўғрисида низом. *ЎзР Меҳнат вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

12. Суғурта назорати бўйича Давлат инспекцияси томонидан суғурта ташкилотлари фаолиятини текширишни ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

13. Тижорат банкларининг иқтисодий ночор (банкрот) ва тўловга қобилиятсиз хўжалик субъектлари билан ишлаш қоидалари. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

14. Санитария меъёрлари, қоидалари ва гигиена меъёрлари (12 та ҳужжат). *ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

15. Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан гаровни қўллаш тартиби. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

16. Божхона тўловларини тўлаш муддатини узайтириш ва уларни бўлиб тўлашга имкон бериш бўйича йўриқномага 1-сонли қўшимча. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

17. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланиладиган дори воситаларининг давлат сифат назоратини ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

18. Дорихона ва даволаш муассасаларига келиб тушаётган дори воситаларининг сифат назоратини ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

19. Ўзбекистон Республикасига аккредитация қилинган дипломатик ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар томонидан товарларни сотишда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль даражали ставкани қўллаш тартиби. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

20. Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 1-сонли қўшимча. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

21. Маҳаллий дори воситаларининг экспертизаси, клиник синовларини қайд этиш ва қайта қайд этиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

22. Маҳаллий дори воситаларининг клиник синовларини ўтказиш бўйича йўриқнома. *ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

23. Чет эл ҳамда МДҲ мамлакатлари дори воситалари ва субстанцияларининг экспертизаси, клиник синовларни қайд этиш ва қайта қайд этиш тартиби тўғрисида йўриқнома. *ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

24. Чет эл дори воситаларининг клиник ва биоэквивалентлик синовларини ўтказиш бўйича йўриқнома. *ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

25. Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага 1-сонли қўшимча. *ЎзР Марказий банки томонидан тақдим этилган.*

26. Болалар учун товарлар ва аёллар гигиенаси ашёларини ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослашаётган корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

27. Ер солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 2-сонли қўшимча. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

28. Ёғни истеъмол идишига қадоқлашда акциз солиғини қўллаш. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

29. Ширкат хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарида оила ва бошқа ички хўжалик бўлинмалари билан ҳисоб-китоб қилиш, уларга хўжалик ҳисоби принципларига асосида ҳамда раҳбар ходимлар ва мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

30. Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари томонидан ипак маҳсулотларни республикадан ташқарига чиқариш юзасидан экспорт контрактларини (шартномаларини) кўриб чиқиш ва хулосалар бериш тартиби. *"Ўзбек ипаги" уюшмаси томонидан тақдим этилган.*

31. Бино ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

32. Импорт божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш тартиби. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

33. Товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш қоидалари. *ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

34. Маҳсулотларни штрихли кодлаш тизими. *«Ўздавстандарт» томонидан тақдим этилган.*

35. Корхонани рўйхатдан ўтказиш, маҳсулотларга EAN кодларини бериш, қайта кўриш ва бекор қилиш тартиби. *«Ўздавстандарт» томонидан тақдим этилган.*

36. Истеъмол товарлари ва транспорт ўрамларга EAN штрихли код символларини жойлаштириш тартиби. *«Ўздавстандарт» томонидан тақдим этилган.*

37. Механизаторларни, тузатиш-хизмат кўрсатиш ходимларини техникани авайлаб сақлаганлиги учун ва ундан самарали фойдаланганлиги, ёнилғи-мойлаш материалларини тежаб сарфлаганлиги учун моддий рағбатлантириш тартиби. *ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

38. Табиатни муҳофаза қилиш жамоат назири тўғрисида низом. *ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тақдим этилган.*

39. Ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ишлаётган аёлларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш тартиби. *ЎзР Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тақдим этилган.*

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тақдим этилди.

Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 133-38-67, 132-00-28.

Теннис: «Тошкент опен»

ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНМОҚДА



Мамлакатимизда ўтказилаётган кўплаб халқаро мусобақалар ташкилий томонлари ва савияси жиҳатидан жаҳон стандарти талаблари даражасида уюштирилаётганлиги хорижий мутахассисларнинг эътирофига сазовор бўлаётир. Жумладан, WTA Tour мусобақалари қаторига кирган «Тошкент опен» аёллар ўртасида халқаро теннис турнири тўғрисида ҳам илиқ фикрлар билдиришмоқда.

— Ўзбекистонда теннисининг илдам ривожланиши ҳамда Тошкентда уч йил мобайнида «Челленжер» турнирининг энг юқори даражада ўтказилганлигини кўзда тутиб, Аёллар теннис ассоциацияси мазкур турнир даражасини кўтарди ва уни WTAнинг расмий мусобақалари қаторига киритди, — дейди «Тошкент опен» халқаро турнири директори Аллон Какшури. — Булар ўз навбатида Ўзбекистон дунё теннис харитасига дадил кириб бораётганидан далолат беради. Имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига ўз давлати миқёсида спортнинг теннисдек гўзал ва нафис турини ривожлантиришга кўрсатаётган эътибори учун ўз миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман.

Мусобақаларга қайтадиган бўлсак, унинг дастлабки чорак финалчилари аниқланди. Қизиғи шундаки, мазкур турнирнинг икки бор ғолиби, австриялик Патриция Вартуш бу гал чорак финалга ҳам чиқа олмади. Елена Макарова (Россия) 1/8 финалда унинг йўлига тўғаноқ бўлди. Тенг курашлар остида ўтган ушбу учрашувнинг биринчи сетида россиялик теннисчининг қўли баланд келди — 6:2. Ўз рақибининг ўйин услубини анчайин ўзлаштириб олган Вартуш иккинчи сетда ҳисобни тенглаштиришга эришди. Бироқ тўп узатишдаги маҳорати, эпчиллиги, тиришқоқлиги туфайли Елена ҳал қилувчи сетда австриялик рақибини кортдан бош эгиб чиқиб кетишга мажбур қилди ва чорак финалга йўлланма олди.

Шу куни кечқурун яна бир чорак финалчи аниқланди, у словениялик Тина Писникдир. Афсуски, Тина 1/8 финалда ҳамюртимиз Ирода Тўлагановани мағлубиятга учратди. Айтиш мумкинки, яқиндагина йигирма беш баҳорни қаршилаган Тина ўйинни кўтаринки руҳда бошлади. Биринчи сетда Иродага икки геймдагина имкониятни бой берган Т. Писник 6:2 ҳисобида ғолиб чиқди. Кейинги сетда чиройли ўйин намойиш этиб, худди ана шундай ҳисобда рақибини мағлубиятга учратган Иродага мухлислар катта умид кўзини тикишганди. Аммо ҳал қилувчи сетда устунлик яна словениялик теннисчи томонига ўтиб, якуний натижа бўйича у чорак финалга йўлланма олди. Шунингдек, бельгиялик Лоранс Кортуа ҳам чорак финалда мусобақаларни давом эттирадиган бўлди.

Айни пайтда жуфтлик беллашувлари ҳам қизғин палласа кирди. Исроиллик Вавринес Мираслова билан Нила Росенга қарши кортга тушган германиялик дуэт — Анко ва Адриана Барналар беллашувида икки сетда (6:1, 6:2) биринчи жуфтлик зафар қучди. Яна бир жуфтлик — японияликлар К. Нагатоми ва К. Ичида билан испаниялик дуэт — Рес Ева ва Риера Гизела ўртасида кечган баҳс ҳам муросасиз бўлди. Унда омад Европа қитъаси вакилларига кулиб боқди.

Шунингдек, якка беллашувларда омади чопмаган германиялик Жулия Абе ва Натали Кахана жуфтлиги Екатерина Панлошкина ҳамда Анастасия Радионоваларни 2:1 (5:7, 6:2, 6:2) ҳисобида мағлубиятга учратди.

«Динамо» теннис кортларига ташриф буюраётган ишқибозлар ҳозирда «ким ғолиб бўларкин?» деган саволга олдиндан жавоб беришга ҳаракат қилишаётир. Уларнинг тахминича, финал беллашувида мазкур турнирнинг биринчи ва иккинчи ракеткалари исроиллик Анна Смашнова ҳамда россиялик Татъяна Пановалар учрашишади. Кузатувчан мухлисларнинг башоратлари балким тўғри чиқар. Нима бўлгандаям, бош соврин эгаси ким бўлишини вақт кўрсатади. Зеро, у энг одил ҳакамдир.

Озод БЕК,
Н. МУҲАММАДЖОНОВ
(сурат),
«Халқ сўзи»
мухбирлари.

Достонларни фақат бахшилар (Сурхондарёда бахшини «юзбоши» деб ҳам аташади) айтган, куйлаган, деган гап нисбий. Отасига раҳмат бахшиларнинг. Улар дўмбираларини гумбирлатиб чалиб, тўйларни обод қилдилар. Юракларни сел айлаб, Рустамхонни, Гўрўғлини, Алпомишни ўлмас қўшиқларга солдилар. Бу қўшиқларни тилларга, дилларга кўчирдилар.

Лекин... баъзи дўмбира чертолмайдиган ё қўшиқ айтолмайдиганлар ҳам улардан қолишмаган.



ҲАР КИМНИНГ ЎЗ «АЛПОМИШ»И БОР

... Уста Исматулла деган чилангарни танирдим.

Шу одамнинг кутубхонаси бўлган. Миттигина жавон. Йигирматача китоб. Ҳаммаси ўзбек халқ достонлари: «Рустамхон», «Кунтуғмиш», «Маликаи айёр», «Авазнинг арази», «Интизор» ва албатта, «Алпомиш».

Ўроғимними, ошпичоғимними чархлатгани дўконга борганимда, устанинг достон мутолаа қилиб ўтиргани устидан чиқиб қолардим. Достонни у қўшқават тўшалган кўрпачага ўтирганча, ерда очиб қўйилган китобга эгилганча, овоз чиқариб ўқирди. Ўзини бир ўнгтаю бир сўлга олиб, тебраниб ўқирди.

Яна бир одамни биламан. Қобилов Поёнбобо деган. Ойнинг ёруғида одамларга «Алпомиш»ни ўқиб берарди. Қишлоқларда одамлар узун қиш кечаларида гапгаштакка йиғилишарди. Маишат қилиш, қарта ўйнаш ё бўлмаса, ароқ ичиш учун эмас, Поёнбобонинг қироатида «Алпомиш»ни эшитиш учун. Поёнбобо муқовасига бўз матодан ғилоф кийдирилган достон китобни шамчироқнинг шуъласига тутарди-да, ўқий бошларди. Овози ингичкароқ, лекин ширали эди. Достонни бахшиларга ўхшатиб қўшиқ қилиб, оҳангга солиб айтмасди. Шунчаки, ҳар бир туроқ, ҳар бир байтга алоҳида жило бериб, бамисоли шеър ўқигандай қилиб ўқиб кетаверар эди. Лекин ички бир завқу жозиба билан ўқирдики, эшитганларнинг диққати унинг овозига михланиб қолгандай бўларди.

Ёки, ана, Шўрчининг Ижтимоият қишлоғида яшаб турган Ҳусан бобони кўринг. Тўдона дарахтидан дўмбира ясади. Дўмбиранинг торларини ўзи тайёрлади. Минг хил мақомда дўмбира нағмаларини чертди.

Лекин икки байтни қўшиб қўшиқ қилиб айтолмади — овози бўлмади. Ич-ичидан куйлаб юрайин деса — бунга ҳам эришолмади. Қўшиқни ёд олишга хотира қуввати етишмади.

Ана шундан сўнг у «Алпомиш»ни куйлашнинг бошқа чорасини топди. Танглайига Хизр алайҳиссалом дам солган, халқ оғзаки ижодиёти осмонида лочин бўлиб қанот қоққан, юз йигирмата достонни булбул бўлиб куйлаб ўтган, Алпомишнинг бандиликдан юртига қайтиб, Кунтуғмиш ойимни учратиб қолгани манзарасининг ўзини бир китоб қилиб, эшитганларнинг бағри-дилини ўртаб айта билган Қодир бахши Раҳим ўғли билан дўст тутинди. Қодир бахшининг тилидан юзта овозли тасма ёзиб олди.

Ҳусан бобо ўзи жамлаб, энди кўз қорачиғидай асраб юрган тасмаларни эшитиб толмайсиз.

Мен яқинда Деновга ўтдим. Тоштемир Турдиев деган биродаримиз менга «Алпомиш» деган китобни кўрсатди. Ҳажми 12 ярим табоқдан иборат янги китоб. Достоннинг сурхондарёча талқини. Айтувчи — Хушбоқ бахши Мардонқул ўғли. Ёзиб олиб, нашрга тайёрлаган — Тоштемир ака.

Олий маълумотли Хушбоқ бахши Мардонқул ўғлидан Тоштемир Турдиев «Алпомиш»нинг тўйига қуруқ бормайин» деган истиҳола билан Хушбоқ бахшини «шоир бобо» деб сийлади. «Шоир бобо» Деновнинг хилват ва сўлим боғларининг бирида видеокамера қаршисида 12 кун «Алпомиш»ни айтди. «Шоир бобо» чарчаб-ҳориб қолмасин, деб Турдиев қамишдан белбоғ боғлаб хизмат қилди. Ва видеокассета тўлдирилди.

Тасмалардаги ёзувни қоғозга кўчиришни айтинг. Ёзув қоғозга туширилгандан сўнгги ташвишларни айтинг. Дастлабки нусхадан — қоралмадан айтувчининг ҳам, ёзиб олувчининг ҳам кўнгли тўлмади. Хушбоқ бахшининг ҳатто, бу мен айтган достон эмас-ку, деб юборгани ҳаммасидан ошиб тушди.

Бу гапни Турдиев ўзига оғир олмади. Вазминлик билан «Шоир бобо»нинг қўлтиғига болиш, қўлига аччиқ чой узатди.

«Алпомиш»нинг Хушбоқ бахши айтган талқини 10 минг нусхада китоб бўлиб босилганини бу гапга қўшимча қиламиз. Лекин айтганлар, уни ёзиб олганлар, уни ўқиганлар ва ўқиётганлар, эшитган-билганлар ҳар қайси «Алпомиш»ни ўзларича талқину идрок қилишини, ҳатто ўзини катта достоннинг давомчиси эканини ҳис эта бошлашини истардик.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲАМКОРЛИК

Хўжайли жаҳоннинг исталган шаҳри билан телефон орқали сўзлашиш имконига эга бўлди. Бу ерда икки ярим минг абонентга мўлжалланган замонавий электрон телефон станцияси ишга тушди. Станция Японияниинг "Нек" фирмаси кўмагида қуриб битказилди.

А. ИСКАНДАРОВ,
ЎзА мухбири.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАХТ

Сурхондарё вилояти Узун тумани мактаблари янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Бу ерда узоқ йиллардан буён одат тусини олган, ўқувчиларнинг ёзги таътилга чиқишидан бошлаб, то янги ўқув йилига қадар давом этадиган мактабларни таъмирлаш билан боғлиқ барча ишлар қисқа фурсатда бажарилди. Бунда юқори ташкилотлардан ёрдам кутиб ўтирмай, ички имкониятлардан фойдаланилди, ҳомийлар топилди. Мактабларни янги ўқув йилига намунали ҳозирлаш туман ҳокимлиги назоратига олинган.

Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

ОТАЖ "АЛГОРИТМ"

АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1998 йил натижалари бўйича дивидендлар 1999 йил 1 августдан берилади.

Бир дона акцияга тўғри келган дивиденд миқдори 45 сўм 77 тийинни ташкил этади.



Жамият Кузатув кенгаши.

1839

Реклама ва эълонлар 136-09-25

АВИАМОДЕЛЧИЛАР БАҲСИ

Фарғонадаги мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг вилоят кенгаши спорт мажмуида ёш авиамоделчиларнинг Ўзбекистон иккинчи спартакиадаси якунловчи мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Андижон, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Наманган, Тошкент, Сурхондарё ва Фарғона вилояти жамоалари иштирок этди.

Тўрт кун давом этган авиамоделчилар баҳсида тезучар "Ф2-А" модели бўйича тошкентлик А.Денисенко учувчи аппаратини соатига 257 километр тезликда бошқариб, биринчи ўринни олди. Умумкоманда ҳисобида биринчи ўрин тошкентлик авиамоделчиларга насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларни фарғоналик ва самарқандлик спортчилар эгаллади.

Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

БИЗ РЕКЛАМА ҚИЛАЁТГАНИМИЗ ЙЎҚ, ШУНЧАКИ ЭСЛАТИБ ҚЎЙМОҚДАМИЗ, ХОЛОС

ЭССЕНЦИАЛЕ - жигар ҳужайралари учун тиклаш малҳами ҳисобланади.

Жигар хасталикларини даволаш ва профилактикасида (олдини олишда) самаралилиги исботланган.

- жигарингиз ҳужайрасини ҳимоя қилади ва тиклайди.
- табиий ўсимликлардан тайёрланган.
- ҳеч қандай қарши кўрсатма ва асоратли белгиларга эга эмас.
- саломатлигингиз яхшиланишига имкон беради.

КЎРСАТМАЛАР:
ўткир ва сурункали гепатитлар, жигарнинг ёғли дистрофияси, цирроз ва жигар комаси, жигарни дори-дармон, заҳарланиш ва алкогол туфайли зарарланиши, псориаз (қипиқли темиратки), ҳомиладорлик пайтидаги токсемия, нурли синдром, заҳарланиш, қандли диабет, бошқа касалликлар асорати туфайли жигар фаолиятининг бузилиши.

ОШҚОЗОНИНГИЗ СИЗНИ БЕЗОВТА ҚИЛАЯПТИМИ?

МААЛОКС - Сизнинг ошқозонингизни мустаҳкам ҳимоя қилади

- меъдадаги оғриқни тез ва узоқ муддатга бартараф этади
- мазаси хушбўй
- ажойиб даражада ўзлаштирилади

КЎРСАТМА:
жигилдон қайнаши, кекириш, ошқозон дискомфорти, парҳезни бузганлик,дорилар қабул қилишни, ичкиликни, чой, қаҳва, никотинни суиистеъмол қилиш оқибатларидан сўнг, ўткир ва сурункали гастрит, кўкрак қафасини бўшлиғидан ажратиб турадиган мускул тўсиқ (диафрагма) тешигининг чурраси, меъда яраси ва ўн икки бармоқ ичак хасталиклари.

ХОЛАГОГУМ - ҳазм қилиш ва сафро ажралишини яхшилаш учун

Холагогум 3 хил ўсимлик (кукурма мойи ва илдизи, ялпиз мойи ва қончўп) нинг фаол аралашмасидан таркиб топган таркибга эга. У гепатобилар тизимидаги сурункали функционал бузилишларда самарали бўлиб, спазмолитик ва оғриқни қолдирувчи таъсирга эга, жигарда сафронинг пайдо бўлишини таъминлайди ва сўрилиб кетишига имкон яратади, ҳазм жараёнини созлаб туради, оғирлик ва метеоризм ҳиссини бартараф этади, ҳомиладорлик ва эмизиш даврида ҳам фойдаланиш мумкин. Узоқ вақт қабул қилиш учун ажойиб доридир.

БИЗ СИЗНИНГ СОҒЛИҒИНГИЗ ҲАҚИДА ҚАЙҒУРАМИЗ!
PHÔNE-POULENC RORER

RHÔNE-POULENC RORER

1830

«ЎЗҚИШЛОҚХЎЖАЛИКМАШ-ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғидаги корхоналарни техникавий қайта жиҳозлаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун бош пудратчини аниқлаш бўйича очиқ халқаро танлов (тендер) эълон қилади.

Танлов тадбирида қатнашиш учун хорижий инжиниринг фирмалари таклиф этилади.

Танлов тадбири 1999 йил 30 июлда ўтказилади.

Қизиққан шахслар танлов тадбирини ўтказишнинг аниқ шартлари билан танишишлари мумкин.

Аризалар 1999 йил 10 июлгача қуйидаги манзилда қабул қилинади:

700029, Тошкент, Мустақиллик майдони, 2, учинчи қават, 312-хона, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси, телефон: 139-49-40, факс: 139-49-09.

1832

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0456, 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ЎТБОСАРОВ.
Навбатчи — М. ЙЎЛДОШЕВА.
Мусаҳҳиҳ — М. СУЛАЙМОНОВА.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 22.40